

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ВА СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ
МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

5. Куйидагилар Жамғарма маблагларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

а) куйидаги микдорларда ажратиладиган ажратмалар: давлат тиббиёт муассасалари томонидан пуллик асосда кўрсатилган тиббий хизматлар, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари хизматлари учун тушумлар микдорининг 2 фоизи;

олий тиббиёт таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланган пуллик ўқиш контрактлари бўйича тушумлар микдорининг 5 фоизи;

олий тиббиёт таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланган ўқиш контрактларининг оширилган ставкаси бўйича тушумлар микдорининг 10 фоизи;

фармацевтика ва тиббиёт фаолияти билан шуғулланиш, шу жумладан, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини чакана реализация қилиш ҳуқуқига лицензиялар олиш учун талабгорлар томонидан тўланадиган давлат божлари тизимидаги тушумлар микдорининг 20 фоизи;

б) Жамғарманинг вақтинча бўш маблагларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

в) ҳисомий ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари;

г) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблагларидан:

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини мукофотлар, моддий ёрдам, қўшимча ҳақлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловларнинг бошқа турлари кўринишида моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш, шунингдек, уларга санатория-курорт ва тиббий хизмат кўрсатилишига ҳақ тўлаш;

уй-жой билан таъминлашни яхшилашга сарфланадиган харажатларни, шу жумладан, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг тиббиёт ходимлари учун уй-жойлар қуришни ташкил этиш орқали молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва амалиёт ўтказишни, шу жумладан, уларнинг хорижий мамлакатларга ташрифлари, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар харид қилиш ва ахборот-коммуникация тармоқларини таъминлаб туриш;

хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш; олий тиббиёт таълим муассасаларининг иқтисодий талабаларига махсус стипендиялар тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш; соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

7. Жамғарманинг даромадлари, шу жумладан, вақтинча бўш маблагларни тижорат банкларига жойлаштиришдан фойдаланишдан олинган даромадлар солиқларнинг барча турларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлардан 2021 йил 1 ноябргача озод қилинсин.

8. Куйидагиларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимовнинг – тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг тубдан қайта қўриб чиқиши бўйича тақлифларни тайёрлашда масъул вазирликлар ва идоралар ишининг амалда мувофиқлаштирилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шодмоннинг – Жамғарма маблагларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини такомиллаштириш учун шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқласин, шу жумладан, Жамғарма маблагларини сарфлашнинг аниқ ва шаффоф тартибини, унинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобот бериш масалаларини назарда тутсин;

тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан тиббиёт муассасаларида врачликдан бошқа фаолиятни бажараётган олий маълумотли мутахассислар лавозимлари номенклатурасини қайта қўриб чиқсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. А. Абдуҳакимов ва Ж. А. Қўқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 7 ноябрь

Касаначилиқни ривожлантириш ҳисобига ҳам янги иш ўринлари очилди. Умуман, хотин-қизлар бандлиги масаласида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида 1 минг 45 нафар аёлнинг 55 млрд. 470 млн. сўм кредит олишига қўмаклашилди.

Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қилинган ишлар на-

тижасида жиноятлар 30 фоизга камайган. Афсуски, баъзи шаҳар, туманларда бу микдор камайиш ўрнига кўпайган.

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар, эрта туғуруқларнинг ҳамон учраётгани, оилавий ажримларнинг ортиши – муаммоларнинг туб илдизини аниқлаш, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишни зарурлигини кўрсатади.

Демак, хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини янада жонлантириш,

кутилган натижаларга эришиш учун, аввало, кадрлар, мутахассисларни тўғри танлаш, барча жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни кенг йўлга қўйиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева хотин-қизлар масаласи муҳтарам Президентимизнинг доимий диққат-эътиборида экани, аёллар бахтли яшаса, бутун жамият бахтли бўлиши ҳақидаги

фикрларини таъкидлаб, уларга кўрсатилаётган беқис қамқорликлар, яратилаётган шароитлару кенг имкониятлар ҳақида сўзлади. Ўз ўрнида вилоятнинг юқори салоҳиятли, меҳнатсевар аёллари бундай эътиборга муносиб жавоб бера олишларига ишонч билдирди.

Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоирнинг аёллик шаъни, эркаклик гурури ҳақидаги шеърлари анжуман иштирокчиларига янада кўтаринкилик бағишлади.

АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ БАХТЛИ БЎЛАДИ

Можира ХЎЖАЕВА,

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази
вилоят бўлими раҳбари:

– Президентимизнинг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хотин-қизлар фаолиятида туб бурилиш ясади, янгича йўналиш берди, десак айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Унда белгиланган вазифалар ҳар бир аёлга бўлган ишонч, эътибор ва рағбатни билдиради. Бугунги анжуманда айтилган фикр-мулоҳазалар ҳар бир иштирокчининг қалбига чуқур из қолдиргани, ўз бурчи ва вазифаларини виждонан бажаришга ундагани шубҳасиз. Агар қайсидир оила нотинч бўлса, аёл оиласи, фарзандларини ташлаб, четга чиқиб кетса ёки жиноятга қўл урса, бу маънавийтимиз кемтикларини, уни ўз вақтида бартараф этиш учун барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашимиз зарур.

Ғуломжон ИБРАГИМОВ,

вилоят ҳоқими,
сенатор:

– Авваламбор, вилоятимиз хотин-қизларнинг энг нуфузли анжуманида айтилган гаплар, қабул қилинган қарорлар ҳар бир оилга, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси тақдирига бевосита дахлдор эканлигини чуқур англашимиз, ҳис қилишимиз лозим.

Тўғри, ўтган йиллар мобайнида хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини самарали ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бироқ, шунинг ҳам айтиш керакки, яқин-яқингача юртимизда хотин-қизлар манфаатларини рўйба қилиш бўйича яхлит ва самарали механизм яратилмаган эди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги тарихий фармонлари бутун қўмитага янги ҳаёт бағишлади, десак хато бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, бу санани республика Хотин-қизлар қўмитасининг ташкил толган куни, дейиш мумкин. Негаки, бу ҳужжат хотин-қизларимиз учун мулоқот янги имкониятлар яратди, айтиш мумкин-ки, жамиятимизга янгича руҳ олиб кирди, қилаётган саяё-ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш бурчимиздир.

харакатларимизни янги мазмун билан бойитди.

Давлатимиз раҳбарининг "Хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саяё-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши керак. Оилга эътибор, аслида бу ўзгичилигимизга эътибордир", деган гаплари, даъватлари ҳар қандай даражадаги давлат ва жамоат тузилмалари фаолиятининг бош мезонига, таъбир жоиз бўлса, муҳим ва ҳаётий дастуриламалага айланиб қолди.

Умуман, қилинаётган ишлар ва шу йўналишларда қўлга киритилган ютуқ ва марралар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бироқ, бугун ютуқлар билан мақтанадиган, мавжуд натижалардан қониқиб ҳосил қиладиган давр эмас.

Бинобарин, битта нотинч оила бор экан, қаердадир бир аёл жиноятга қўл ураётган экан, оилалар ажрашиб, норасидалар етим қолаётган экан, биз асло ўз ишимиздан қониқиб, қўл қовуштириб тура олмаيمиз. Жамиятимиздаги ҳар бир иллат, ҳар бир ножоиз ҳолат билан мurosасиз курашамиз ва, албатта, бу жараёнда муҳтарам опа-сингилларимиз бизнинг энг яқин қўмақчимиз, ишончимиз, суянчимиз бўлиб қоладилар.



Зулмумор ЖЎРАЕВА,

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг диний ва маърифий масалалар бўйича ўринбосари:

– Бугунги ҳисобот-сайлов конференциясида айтилган очик, ошқора, самимий мулоҳазалар дилимиздан ўрин олди. Амалга оширилган қўламли ишларда маҳаллалар фаолларининг ҳам алоҳида ўрни, роли борлигидан қувондим. Аммо, баъзи муаммо ва камчиликларда бизнинг, айнан маҳалла тузилмаси ходимларининг ҳам айби борлиги дилимни гашлади. Зеро, аёллар, вояга етмаганлар жиноятчи, оилавий ажримлар, ёлғиз оналарнинг сони ортганини инкор этолмаймиз. Демак, фаолиятимизни янада жонлантиришимиз, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқна тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтиришимиз зарур.

Муҳаббат ШОЮСУПОВА,

Халқаро Амир Темура хайрия жамоат фонди
вилоят бўлими раиси:

– Ҳақиқий ишчанлик, самимийлик руҳида ўтган анжуман менда катта таассурот қолдирди. Биз, аёллар ёшларимиз, айниқса, бўлғуси оналар – қизлар тарбиясига масъулмиз. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсатини ўғил-қизларимизга тўғри тушунириш, миллий-маънавий қадриятларимизни асраб-авайлашга ўргатиш, уларда аждодларимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш бурчимиздир.



Камола УМАРАЛИЕВА,

Олмалик шаҳар ҳоқими
ўринбосари, хотин-қизлар
қўмитаси раиси:

– Бугунги конференция биз, хотин-қизлар қўмиталари раислари, фаоллари учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Очик, аммо, аччиқ ҳақиқатлар ҳар биримиз учун сабоқ бўлиши керак. Ҳаёт бор экан, хато ва камчиликлар бўлади. Аммо, уларни бартараф этишга куч-қувватимиз, салоҳиятимиз, азму шижоатимиз етарлими? Мана шу савол ҳаммамизни ўйлантирса, тинч қўймаса, демак, ишимизда самара бўлади. Бунинг учун, аввало, оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, қизларни оилга тайёрлаш, нафақат қизлар, балки йигитлар билан ҳам маънавий-маърифий тадбирларда суҳбатлар уюштириш зарур.



ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД БУНЁДКОРЛАР



Бундан роппа-роса ўн тўрт йил муқаддам тадбиркор Имомали Қўшбоев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур корхона бунёдкорлари кенг қамровли ишларни амалга оширишди. Жумладан, тумандаги 1-, 37-умумтаълим мактаблари учун янги спорт зали қуриб берилди. 9-мактабнинг 210 ўринга мўлжалланган янги биноси барпо этилди.

Яқинда Президентимиз томонидан "Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Албатта, худудларда тадбиркорлик жадал ривожланса, ташаббуслар

Тадбиркорлик – давр талаби

Шунингдек, 5-умумтаълим мактабининг биноси капитал реконструкция қилиниб, 210 ўринли янги бино қурилиши ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари, қўли гул бунёдкорлар тумандаги "Жағалбойли" МФЙ худудида 10 та намунали уй-жой қуриб беришди ва аҳолининг миннатдорлигига сазовор бўлишди.

Ҳозирги кунда "Обод қишлоқ" дастури талабларини тўлиқ бажариш барчанинг масъулияти вази-

фасидир. Буни юракдан ҳис этган корхона бунёдкорлари тумандаги "Кийикчи" МФЙ худудида жойлашган 23-умумтаълим мактаби биносини жорий, "Зафаробод" МФЙ худудидаги 16-мактабгача таълим муассасаси биносини эса капитал таъмирлаб беришди.

Шунингдек, жамоа томонидан Бўқа шаҳридаги "Янги ҳаёт" маҳалласида жойлашган 48 хонадонли кўп қаватли уйнинг ичимлик суви ва канализация тизими тубдан янгилан-

қўллаб-қувватланса, бундан фақат халқ ютади, ободлик, фаровонлик юксалиб бораверади. Бўқа туманидаги "Турон Бунёдкор" МЧЖ жамоасининг саяё-ҳаракатлари ҳам айнан аҳоли манфаатларига, ободликка йўғрилганлиги билан эл оғзига тушган.

Куйи Чирчиқ тумани марказидаги янги нотариус биноси барпо этилди. Бекобод туманидаги "Найман" ва "Уяс" маҳаллаларига ичимлик суви қувурларини тортишда ҳам корхона ишчилари жонбозлик кўрсатишди.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бекаму кўст, сифатли бажаришда инженер-техник ходимлардан Иброҳим Очиллов, Нарғиза Эшматовна, Жуманиёз Абдумавлонларнинг, илғор ишчилардан эса Мурод

Дўстов, Мўйдин Мақсудов, Дилшод Хожимуродов, Уллубек Элбоев ва Абдумалик Усмоновларнинг ҳиссаси катта.

– Хали қиладиган ишларимиз кўп, – дейди биз билан суҳбатда корхона раҳбари Имомали Қўшбоев. – Бўқа туманидаги "Равот" худудида аҳоли учун арзон, замонавий, намунали типдаги уй-жойлардан 10 тасини қурмоқчимиз. Бундан ташқари, "Минг чинор" худудида болалар учун дам олиш оромгоҳини қуриб бериш ҳам режамизда бор. Банкдан имтиёзли кредит олиш эвазига янги техникалар сотиб олиш ҳаракатимизда. Олдимизда турган вазифаларнинг барчаси аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда уларни ҳаётдан рози бўлиб яшашларига қаратилган.

Ашуррали БОЙМУРОДОВ

2019

йил учун

Тошкент
Ҳақиқати
газетасига
обуна
бошланди!

Илғор хорижий тажриба, замонавий таълим стандартлари асосида билим бериш, талабалика қабул қилиш жараёнидаги тест синовларини мутлақо янги тартиб ва талаблар, жамоатчилик назоратининг барча шакллари қўллаб, адолатли ва шаффоф ўтказиш тизими жорий этилди.

Президент қарорлари билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда олий таълим муассасаларини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш бўйича дастурларга мувофиқ, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг маошларини ошириш ҳамда фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш бўйича ишлар жадал суръатда олиб боришмоқда.

Президентимиз томонидан 2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш,


фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ҳолда юртимизда амалга оширилаётган жадал ислохотларнинг иштирокчиси бўлиб, дахлдорлик ҳисси билан яшашни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини

Мамлакатимизда кейинги йилларда олий таълимни янги босқичга кўтаришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарориди дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиш, терроризм, дин никоҳидаги экстремизм, ақидапарастлик, сепара-

Олмалик шаҳридаги филиали ташкил этилди. Чирчиқ шаҳрида мамлакатимизда соҳага кадр тайёрловчи ягона Ўзбекистон давлат жисмоний



ОЛИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖИ – мамлакат тараққиётининг муҳим гаровидир

кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йилги ишда соҳада қўплаг янгилик ва ислохотлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилиб, ўз навбатида, бугун ечимини кутаётган қатор муаммо ва камчиликларга тўхталиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, соҳадаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни баҳарши юзасидан топшириқлар берилди.

Бугун дунёда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар, турли қарама-қаршилиқ ва таҳдидларнинг кучайиб бораётгани ҳар бир фуқародан бу жараёнларга бефарқ бўлмаслигини, олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишлари билан бирга,

тизм, одам савдоси, "оммавий маданият", нарқобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш вазифалари белгиланган. Ана шу вазифалар ижроси юзасидан Республика "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан ҳудудларда ички ва ташқи мафкуравий таҳдидларни аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш ва шу асосда мамлакатимиздаги маънавий-маърифий муҳит таҳлилинини кўрсатиб берувчи дастур-харида ишлаб чиқилди.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент вилояти умумтаълим мактабларидаги педагог кадрларга бўлган талабни тўлиқ қондириш, вилоятда таълим сифатини ошириш ва йирик sanoat корхоналарига олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш мақсадида 2017 йилда Чирчиқ давлат педагогика институти, Ислам Каримов

тарбия ва спорт университети ва Қирғиз туманида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги таянч олий таълим даргоҳи – Тошкент давлат аграр университети, жами, бугунги кунда вилоятда 5 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технология тадқиқотлар университети"нинг (МиСиС) Олмалик шаҳридаги филиалига жорий йилда 137 нафар талаба-ёшлар ўқишга қабул қилинди. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг юртимизга ташрифи давомида ўтказилган таълим форуми доирасида икки давлат олий таълим вазирлари иштирокида очилиш маросими ўтказилган муассасада юртимиздаги йирик тоғ-кон sanoati корхоналарига малакали мутахассисларни етказиб бериш учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

хорижий тажрибалар инobatга олинган ҳолда тузилган ўқув режаси ва фан дастурларига мувофиқ дарслар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилади, – дейди филиал директори Фарҳод Умаров.

Чирчиқ давлат педагогика институтиди 3 та факультетда вилоятда истиқомат қилувчи 1 минг 372 нафар талаба тахсил олмоқда. Жорий йилда 2 та янги ўқув биноси ва 1 та талабалар турар-жойи тўлиқ капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Вилоятдаги 800 дан ортқ умумтаълим мактабларида олий маълумотли ўқитувчи кадрлар етишмаслиги ўткир муаммо эканлиги барчага аён. Институтда айна шу эҳтиёжни қоплаш учун замонавий педагогик технологиялар асосида таълим беришга лаёқатли бўлган малакали кадрлар тайёрланмоқда. Талабалардан

сўронома олиш жараёнида уларнинг мустақил фикрли, маънан етук ва юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан тўлиқ хабардор эканликлари намойён бўлди. Бу ўз навбатида, фидойи устозларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатларининг самараси, муассасада таълим ва тарбиянинг уйғун ҳолда олиб борилаётганидан далolat беради.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакат фуқаролари, аввало, ёшлар қалбида Ватан ва миллат тақдири учун дахлдорлик, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитет ҳиссини кучайтириш долзарб вазифа ҳисобланади. Айна шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларида ўтказилган сўронома натижалари бугунги кунда тизимда олиб борилаётган ишларимизни замон талабидан келиб чиққан ҳолда тубдан қайта қўриб чиқиш, қабул қилинаётган қонунлар ва давлат дастурлари, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг онги ва дунёқарашини ўзгартириш ва уларда янги давр руҳига мос шижоат, дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бўйича ишларимизни замонавий усул ва тарғибот воситаларидан фойдаланган ҳолда йўлга қўйиш заруратини кўрсатмоқда.

Ўз ўрнида, мақсадли ва манзилли ўтказилган амалий ишлар эса, табиийки, мамлакат олий таълим муассасаларида замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган рақобатбардош, маънавий етук ҳамда Ватан ва миллат тақдири учун қайғурадиган кадрларни тайёрлаш, юрт тараққиётининг, қолаверса, бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлган ёшларни ет таъсирлардан ҳимоя қилишнинг муҳим гаровидир.

Азамат КАМОЛОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази
биринчи бошлиғи

◀◀ Бошлангич 1-бетда

Шу билан бир қаторда Президентимизнинг мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлиси Мурожаатномаси, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" – да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони, "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, "Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ва бошқа қатор ҳужжатларда ижтимоий соҳага тубдан янгилаш ёндошилиб, аниқ вазифалар белгиланган.

ИЖТИМОЙ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ҳуқуқий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутаяди

Қатор ҳужжатлар ижро учун қабул қилинди, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат, ижро органлари, нодавлат, ижтимоий-иқтисодий соҳа ташкилотлари сафарбар этилди ва барча соҳада инновациялар изчил амалга оширилмоқда.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг баъзан, "ижтимоий янгилик" ва "ижтимоий инновация" тушуначлари билан боғлайдилар. Ижтимоий янгилик ҳам, ижтимоий инновация ҳам – бу янги, иқидий, ижтимоий муаммони ечишда хизмат қилади. "Ижтимоий янгилик" – бу ўйлаб топилган, лекин амалда жорий этилмаган янгиликдир. Ижтимоий инновация эса, бу жорий этилган ёки ижтимоий соҳага киритилган янгиликдир.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ механизми белгиланмаган. Тўғри, ижтимоий масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, мезърий ҳужжатларда ва Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари сессиялари қарорларида таяниб ҳал этилади.

Мен Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида ўзим сайланган Янгийўл тумани "57-Йўлгана" сайлов округидаги А. Ортиков номли ва Тинчлик қишлоқлари худудларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий муаммоларини маҳалла фуқаролари йиғини билан биргаликда ўрганиб чиқдим. Анкета саволлари жавоби асосидаги сўрономалар маҳаллаларда муҳокама қилиниб, дастур қабул қилинди. Натижада, кўп муаммолар жойида ҳал этилди.

Ушбу "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантириш" бўйича тажриба Ўзбе-

бошқалар) ёки ижтимоий масалалар (жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим соҳалари электр, газ, сув таъминоти, йўл таъмирланиши, канализация, боғчалар қурилиши каби) қатор маданий-маънавий (спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзаси қурилиши) соҳалар бўйича муаммоларни ҳал этишнинг янги ҳал услублари ишлаб чиқилди.

Инновациянинг яна бир муҳим таянчи – муқобил энергетикадир. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ундан муваффақиятли фойдаланяптилар. Бу анъанавий турдаги ёқилғиларни қазиб олиш қийинлиги ёки табиий бойликлар камайиб кетаётгани билан боғлиқ. Ушбу масалани чуқур ўрганиш натижада, худуддан оқиб ўтадиган анҳор сувидан фойдаланиб, кичик ГЭС қуриш ғояси пайдо бўлди. Ҳозирда ушбу лойиҳа тайёрланмоқда. Тумандаги "Эски қовунчи" худудда биогаз қурилмасини ўрнатиш ишлари якунига етмоқда. Кўп йиллардан буён қаровсиз ётган тарихий Йўлгана тепалиғида яна бир тадбиркорнинг маблаг ҳисобига ободонлаштириш ишлари қилинадиган бўлди. Буни маҳалланинг ижтимоий инновацияси, дейиш мумкин.

Инновацион фаолият кенг ёритилган китоблардан тадбиркорлар қўлланма сифатида фойдаланишмоқда. Жумладан, "Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари" китоби (интернет сайтларида таништириш мумкин) инновацион иқтисодиёт, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиғида инновациялар ҳақида дастлабки билимларни олишга имкон беради. Ушбу қўлланмаларда ижтимоий инновациялар бўйича халқаро тажрибалардан мисоллар келтирилган.

К. ШОДИМЕТОВ,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати

◀◀ Бошлангич 1-бетда

ҲАДИЧА АЯНИНГ ЭЗГУ МАҚСАДИ

Ангрн шаҳрига кираверишда Кўчбулоқ деган қишлоқ борлигини эшитган чикарсиз. Ери маъданга бой, минг йиллар, бунда олтин қазиб олиш sanoati равнақ топган. Қишлоқнинг одамлари меҳнаткаш, дилкаш. Бироқ, ҳозир гап бунда эмас. Ислохотлар ва бир инсоннинг ҳиммат камарини боғлаши ҳақида сўзламоқчимиз.

◀ ШИЖОАТ

Кўчбулоқлик Ҳадича Анорбоева мактабгача таълим соҳасида 35 йил ишлаб, ёруғ юз билан нафақага чиқди. Яратганга шукрона айтиб, бола-чақанинг дуои-хайрини қилиб, кексалик гаштини суриб юрарман, деган ўйда эди. Аммо...

Ҳадича Анорбоева ҳар куни "Ахборот"ни кўради, газета ўқийди. Янги қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорларни ҳўжжалаб кўздан кечириди. Тушунган аёл эмасми, мамлакатимизда буюк ўзгартишлар палласи бошланганини, уни Ватан қорлаётганини ҳис қилди. Умрини бахшида қилгани – мактабгача таълим соҳасида мутлақо янги қарашлар барқарор бўлаётгани ҳақидаги ҳужжатни ўқиганда кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. "Бўларкан-ку", деди қувониб ҳожи она. Бир

вақтлар шунча йиллик тажрибасини уй-боғча тизимида қўллашга тайёрлигини айтиб, анча сарсон бўлганини эслади. Хуллас...

...Хуллас, бутун мамлакат гўё қайта уйғонган, жадал ислохотлар каттаю кичикни фалолликка қорлаётган бир пайтда кўчбулоқликлар фахри – Ҳадича ая тинч ўтира олармиди?

Шундай қилиб, кўҳна Кўчбулоқ қишлоғида куни кеча "Булбулча" номли нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Ҳокимликнинг қўллаб-қувватлаши, танти фермерларнинг ишга бош қўйиши, умуман, савобталаб инсонларнинг ақидил фикри билан худуд аҳолиси учун қулай ва инновацион методлар асосида ишлайдиган, нисбатан олганда, анча арзон нархлар-

да хизмат кўрсатадиган таълим-тарбия маскани иш бошлади.

Ҳадича Анорбоевага юзла-намиз:

– Иқтисодий манфаатдорлик бирламчи бўлиб бораётган баайни замонда нега фойда олишни кўзламаяпсиз, – деб сўраймиз.

Бу саволга кўчбулоқлик оддий бир қишлоқ аёлининг жавоби шундай бўлди:

– Вой, болам-а. Дунёда пулдан улғурроқ нарсалар бор. Мана, уй-жойимни қўриб турибсиз. Бировдан кам жойим йўқ. Шунча йил уққан, ўқиганларимни манави жужикларга ўргатмасам, мен қандай одам бўлдим? Шунча ишлар бўлар экан, деган ҳужжатни ўқигандаёқ, ҳамқишлоқларим менга кўз тикиб тургандек бўлаверди. "Ҳадича она, ишни бошланг", дея ёнимга кирган меҳрибонларимга раҳмат. Давлатимиз бизга суянаркан, биз унинг томир-тиргайи бўлиб, Яратган қанча умр берса, хизматидаимиз...

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2018 йил 11 декабрь куни соат 15.00 да мулкнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибидида ўтказиладиган "Ониқ аукцион" савдосига қуйидаги дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:

"МУХСІНА АГРО" фермер ҳўжалиғига қарашли, бошлангич баҳоси - 7 400 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин қишлоғи, Эркин массиви худуди бўйича 2,4 Га. ер майдони участкасида жойлашган 25 дона олма, 33 дона гилос ҳамда 940 дона олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар.

"МУНАММАДУСУФ АГРО ОМАД" фермер ҳўжалиғига қарашли, бошлангич баҳоси - 4 100 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Зангиота қишлоғи, Зангиота массиви худуди бўйича 1,42 Га. ер майдони участкасида жойлашган 590 дона олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар.

Аукцион савдоси Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳарчаси, К. Фуров кўчаси, туман ҳокимлигининг биносидида ўтказилади. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари юқорида кўрсатилган сотатларда ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан - давлат рўйхатидадан ўтказилганлиги тўғрисидаги ғувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси, закат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ҳар бир мулкка қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдоридида тўлов олинадиди. Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Х. Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел.: (99) 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

Лицензия рақами RR 0285

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Бекобод деҳқон бозори атрофида ташкил қилинган автотураргоҳларнинг фаолиятида бир қатор салбий ҳолатлар юзага келаётганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

◀ НиГОҲ

Хусусан, ҳозирда йўловчи ташишга ихтисослашган корхона раҳбарлари ва ҳайдовчилар томонидан ноқонуний йўловчи ташувчи фуқаролар кўрсатиб келишмовчиликлар юзага келиб, натижада уларнинг бир-бирларига танжараҳати етказиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Жумладан, Бекобод шаҳри ва "Тараққиёт" МФЙни боғлаб турувчи йўлнинг узунлиги 5-6 км. бўлиб, маҳаллада 100 га яқин оила истиқомат қилади. Ушбу йўналишда автобус қатновининг йўлга қўйилмаганлиги сабабли 10-15 нафар киракашлар томонидан йўл ҳақлари сунъий равишда оширилиб, ҳар бир йўловчидан 5 минг сўмдан олинishi кузатишмоқда.

Шунингдек, ушбу маҳалладаги оилалар фарзандлари таълим бериш даражаси нисбатан сифатли бўлган 3-, 9- ва 16-ўрта таълим мактабларига қатнаши сабабли, орадаги масофа 8-10 километр бўлгани учун уларнинг келиб-кетишларида қийинчиликлар туғилмоқда ҳамда бу ўқувчиларнинг давомадида таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, аҳоли орасида норозилик кайфияти юзага келаётгани ҳақида хабар беришган.

Ноқонуний равишда йўловчи ташувчиларнинг фаолиятидан норози бўлиб, уларнинг қаракатларини тартибга солиш кераклиги тўғрисида маҳаллада яшовчи аҳоли Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасига бир неча бор мурожаат қилишган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш бўйича фуқаролар мурожаатлари Халқ қабулхонаси томонидан ҳокимлик ва бошқа идораларга юборилмоқда. Аризалар ижросини таъминлаш ҳамда кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш ИИБ ЙҲХБ ва "Ўзавтотранс" агентлиги вилоят худудий бошқармасига юклатилмоқда. Бироқ, ЙҲХБ ва "Ўзавтотранс" агентлиги ҳодимлари муаммога юзаси равишда ёндошиб, аризалар ижроси таъминлангани тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштириш билан чекланиб қолишмоқда.

"Тараққиёт" маҳалласи худудида аҳолига арзон ва хавфсиз транспорт хизматини жорий қилиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан тўпланган аризалар ва шикоятлар асосида "Ўзавтотранс" агентлиги вилоят худудий бошқармаси томонидан "ШИ-5" (Бекобод шаҳри – "Тараққиёт" МФЙ) йўналишида "Саброна транс авто" МЧЖга тегишли бўлган 10 дона "Дамас" русумли автотранспорт воситалари қатнови йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда худудда яшовчи аҳолини ташвиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ушбу йўналишда ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланиб келаётган "такси" ҳайдовчилари фаолиятига нисбатан "Ўзавтотранс" агентлиги ва ИИБ ЙҲХБ ҳодимлари томонидан рейд тадбирлари олиб

борилмоқда.

Ш. МУРОВО

Эртага — Тиббиёт ходимлари куни

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида юз бераётган туб ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, жаҳон андозаларига мос ноёб технологиялар билан жиҳозланган муассасалар аҳоли саломатлигининг ишончли кафолатига айланмоқда. Бугун соҳа ходимлари шаънига ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак, ярашади. Оқ халатли нажот фаришталари бор экан, жисму жонимиз соғ, руҳимиз тетик. Касал бўлсак жонимизга оро кирадиган, дардимизга дармон бўладиган касб заҳматқашларини меҳр ва ардоқ билан шифокорлар деймиз. Бу касб эгалари ўзгалар соғлиғи, ҳаёти учун масъуллик ҳисси билан яшайдиган, инсонларга шифо улаштириш энг муқаддас бурч деб билгучи жонқуяр, меҳридарэ инсонлардир.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Пискентдаги кўп тармоқли марказий поликлиника юз мингга яқин аҳолига намунали хизмат кўрсатади. Тиббий муассасанинг малакали ходимлари аҳоли саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Аҳил жамоага тажрибали шифокор Муҳаббат Қодирова бошчилик қилади.

Муассасада Муҳаррам Ибрагимова, Сурайё Усмонова, Мавлуда Ақромова, Ақром Матқулов, Умид Холиқов каби ўз касбини ардоқлаб келаётган шифокорлар кўпчилиги ташкил этади.



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

Бир рақамга эътибор беринг — ўтган қисқа вақт ичида мазкур йўналишда Президентимиз ва ҳукуматнинг 100 дан ортиқ фармон ва қарорлари, давлатнинг муҳимдан муҳим меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Шу йилнинг 7 ноябрь кунда эса, Президентимиз "Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорга имзо чекдилар. Соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда мутлақо янгича ёндашувларни кўзда тутидиган бу тарихий қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда тиббиётчилар том маънода шараф топаётгани, халқимиз "саломатлигимиз посбонлари" деб эъзозлайдиган касб эгалари меҳнатининг юксак қадр ва эътиборга сазовор бўлаётганининг яққол ифодаси бўлди, десак асло янглишмаймиз. Зотан, азал-азалдан шифокор деганда, халқимиз энг аввало, ҳаммиса ижтимоий ҳаётнинг марказида турадиган, эл саломатлигини кўз қорачигидек асрашга ҳай бўлган, Ватан ва халқ

манфаатларини биринчи ўринга қўядиган олижаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қилиб, келган ва бу бизга ҳар доим катта масъулият, жавобгарлик ҳиссини юклашни теран англаймиз. Ахир, битта беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш, онанинг саломатлигига зарар етмасдан бир гў-



тиб келмоқда. Натижада, шифо масканларимизнинг моддий-техник базаси босқичма-босқич мустақамлашиб, уларда фаолият юритаётган соҳа вакиллари ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жой, маиший турмуш шароитларини яхшилаш бўйича кўрилатган чоралар беқисс даражада кенгаймоқда. Умуман олганда, мамлакатимизда таълим, соғ-

ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ — САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

дакни соғ-омон дунёга келтириш, бир беморга ёруғ дунёни кўриш бахтини тудимки эйтиш учун бу соҳа вакиллари 8-10 соатлаб тик оёқда туриб, курашганларига кўп бора гувоҳ бўлганмиз.

Шу мақсад йўлида кейинги бир-икки йил ичида вилоятимиз мисолида ташланаётган дадил амалий қадамлардан кўпчилиги мамнун ва миннатдор. Шу ўринда эътиборингизни айрим мисолларга қаратмоқчиман. Ўтган қисқа фурсат ичида вилоятимизнинг туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида 769 ўринга эга 41 та ихтисослаштирилган тиббий бўлимлар ташкил

этилди. Олмалик шаҳрида 90 ўринли барча шайхонларга эга замонавий болалар касалхонаси фаолият бошлади. 130 га яқин янги тез ёрдам машиналари келтирилиб, халқимиз хизматида берилди. Худудий тиббиёт бирлашмалари қошида 200 дан ортиқ ижтимоий дорихоналар тармоғига асос солинди. Соҳада самарали меҳнат қилиб келаётган шифокорларимизнинг бир гуруҳи давлатимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлдилар.

Бундай ижобий натижалар, эришилаётган ютуқлар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Бироқ, бугун

замон ўзгармоқда, одамлар талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг илғор ва сифатли тиббий хизматдан баҳра олишни истайди. Бизга шу ҳам бўлаверади, деган тушунча аллақачон ўз умрини ўтаб бўлди. Шу боис, вилоятимизда фаолият юритаётган қарийб 35 мингга яқин соҳа ходимлари тиббиётнинг энг илғор, замонавий ютуқларини, даволаш усуллари ўзлаштириши учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этаёпмиз.

Бу борада республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги катта амалий кўмак кўрса-

лиқни сақлаш ва ижтимоий секторнинг шу каби бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида тўғри халқимиз дилидаги орзу-истаклар рўёбига хизмат қилаётир. Зотан, тиббиёт ривожини миллат генофондини яхшилаш, халқимизнинг саломатлиги кўрсаткичларини ижобий томонга ўзгартириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсадларимизнинг бирдан бир омилдир.

Тўрақул АРЗИҚУЛОВ,
Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи,
тиббиёт фанлари доктори

"Кексалик гашти" журналида ўқиганим, "Бир кун" публицистикаси мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Балки, муаллифнинг ўзи ҳам бунинг йиғлаб-ёғлаб ёзган бўлса эҳтимол. Тўққиз фарзанднинг онажониси сермашаққат умри давомида ниҳоят, яхши кунлар келишини кўтиб ўшагани бор ҳақиқат. Айниқса, волидаи муҳтарам кишлоқ хўжалиғи соҳасида кун бўйи, кўпинча ярим тунга қадар қолиб кетувчи умрдошини мудом ширин табассум, қўлида тол-тоза сочиқ, илиқ сувли чойгум билан кўтиб олиши... кимни ҳам ҳаяжонлантирмайди, дейсиз!..

Бу жумлаларни ўқир эканман, олис хотираларимда қолган икки мунис онажонларим кўз ўнгимда аниқ-тиниқ жонландилар. Зебунисо исми ўзига ярашган волидамнинг олти фарзанди бор эди. Ўртанчаси бўлиши мени ўзига энг яқин кўрардилар. Ҳали биронтасининг ҳам роҳат-фароғатига ета олмаган қирқ икки ёшли меҳрибоним уч қиз ва уч ўғил, энг кенжаси икки ойлик чақалоқ пайтида бевақт вафот этганлар. Ўн тўрт ёшга тўлар-тўлмас улардан айрилди!

Бу синовлар дунёси экан. Тақдир деганлари чап юзингга тарсаки торта туриб, ўнг юзингни сийпалаб ҳам кўяр экан. Менинг ҳаётим туну кун меҳнат ва имкон борича билим олиш билан кечди. Ўрта мактабда фақат "аъло" баҳога ўқидим. Тошкентдаги Педагогика институтига бир уринишдаёқ қабул қилиндим, аммо кундузгида ўқиш насиб этмади. Мазкур олийгоҳни сиртдан бўлса-да, яхши ва аъло баҳолар билан тамомладим. Аммо, олган билимларим кўнглимни тўлдирма олмади. Яна бир ҳаракат билан Тошкент давлат университетини филология факультетининг иккинчи курсига қабул қилиндим...

Бу воқеаларни айтишдан мурод шуки, Яратганининг иродаси билан бахтим айнан мана шу даргоҳда экан! Хуллас, диалектология фани домласи Карим Назаров шевалар хусусида дарс ўтар экан, бирдан шеър ўқиб қолдилар:

Йўлнинг учиди-кетди дайронинг шамолига...

Залдаги юз нафардан зиёд талабалар ҳайрон: "Домла бу билан нима демоқчи?.."

— Ҳайрон бўлманлар, — сўзида давом этди домла ёқимли жилмайиш билан, — бу Бўстонлиқ шевасига хос услублардан бири. Жонли тилда сўзлар алмашинуви метатега ҳодисаси дейилади. Масалан, дарё ўрнига дайро. Бўстонлиқдан талабалар борми?

Мен ўрнимдан туриб, бизнинг туманимиздан яна кимлар бориётган, деган илинжда атрофимга назар ташладим. Бир юзу йигирма чоғли талаба орасида баланд бўйли, чақноқ кўзли гўзал бир

Онаизор ҳар кун Оқсоқота дарёсидан кечиб ўтиб, унумдоргина бир қияликда деҳқончилик қилар, топган-тутганлари билан оила тебратарди. Баҳор кунларининг бирида маст туя онага ташланиб қолса бўладими! Туялар асосан баҳор фаслида кутуриб, оғизларидан кўпик сачратган ҳолда дуч келган жонзотга ҳужум қилаверади. Етиб олса борми, кўкси билан ерга булғалаб, эзиб-янчиб ташлайди. Туя қувла-ганда қирга қочсангиз, уларнинг олдинги оёқлари калта

сиғмай кетган мажруҳ эр қаттол урушга, уни бошлаган қонхўрларга лаънатлар ўқиганча "дод" деб даст ўрнидан туриб кетади. Шу-шу хотинига турмушда баҳоли қудрат кўмаклашадиган бўлди. Ер чопа олмаса ҳам экинларга қойиллатиб ариқ тортарди. Асалари парваршини ўрнига кўяр, боғ етиштириш, пайвандлаш, қўчат ўстириш сингари нозик ишларнинг билимдони эди. Айниқса, диний илми бўлгани туфайли кишлоқнинг етук домлаларидан саналарди.

ЭСЛАСАМ, КҮНГЛИМ ЁРИШУР...
Одамийлик шеваси

қиз қўл кўтариб турарди! — Буни қаранг, бир қиз билан бир йигит! — ёқимли жилмайиш билан бизларга боқди домла. — Гапларим тўғрими?

Биз бараварига тасдиқладик.

Бўстонлиқ туманининг Хондайлик ва Қорамозор қишлоқларидаги икки бу оила ҳар жиҳатдан бир-бирларига яқин ва уйқаш эди. Иккаловининг оила бошлиқлари мудҳиш урушда қатнашиб, ярим-ҳал бўлиб қайтганлар. Бизда-ку, сағир қолган уч ўғил ва уч қизни иккинчи онамиз ўз панҳўига олди. Мен танишган қизнинг оиласидаги аҳвол эса ўта мураккаб эди. Мақоламиз бошида қаламга олинган журналист Манзура Шамс хонадониди тўққиз фарзанд, бизда олти ўғил-қизни оналар умр бўйи азоб-уқубатда боқиб ўстирган бўлсалар, қорамозорлик волидаи муҳтарамизини Холшакар она ўн беш фарзанди дунёга келтирган, улардан тўрт нафари юқумли касалликлар туфайли нобуд бўлган...

Снаряд зарбидан баданлари илма-тешиқ ҳолда урушдан қайтган оила бошлиғи Абдураззоқ ота дастлаб ҳеч бир ишга яроқсиз ҳолда ётарди. Умрдошининг минг бир азоблари билан оила тебратаятганини кўриб, ўзини қаёққа қўйишни билмасди. Содир бўлган бир воқеа уни беихтиёр оёққа турғизиб юборади...



бўлганлиги сабаб, дарров етиб олади. Буни яхши билган онахон дастлик (илдик) — Оқсоқота дарёси томон югуради. Анча масофага югуриб келган туя тик қияликка туша олмади!

Уйига аранг етиб олган шўрлик аёлнинг аҳволи чиндан ҳам хароб эди: сочлари тўзғиб кетган, қалишлари йиртилиб, аро йўлда қолган, махсиларнинг ости юлиниб ялангоёқлари шилинган, тиркираб қонаб ётибди! Аҳволни кўриб, ғазабдан оламга

Айримлар назар-писанд қилмаган мен етимчани бу оила астойдил қучоқ очиб кўтиб олди. Афсуски, бағри кенг, саховатли отахон билан кўриша олмаганман. Қирғинбарот, ёвуз, ваҳший ва бе-шафқат уруш, унинг оқоваси ҳисобланган зулм ва турли касофатлар отахонни олти-миш ёшга етмай олиб кетган эди...

Турмуш машаққатлари яна онахонимизнинг елкасига тушди. Аммо, бу пайтга келиб, илми қадрлаган отахон

ва онаизор давватлари асосида ўқиб-ўрганган, турли касбларни ўзлаштирган ўн бир нафар фарзанд волидаи муҳтарамани бошларига қўтариб, авайлаб-асрадилар. Айниқса, ўғилларининг тўнғичи Абдуҳаббор ака ва унинг умрдоши Иқболло опа кейинги барча эзгуликларга елкадош, таянч бўлдилар. Ҳаммамиз топармон-тутармонлик даражасига етганимизда ҳам онажонимиз озгинагина нафақасидан бир қисмини кўярда-қўймай қизининг қўлига тутқазарди: "Бектоғнинг ул-бул олиб берарсан..."

Мунис онахонларимиз ҳақида икки оила ҳаёти мисолида суҳбатлашар эканмиз, ҳозирги давр, оила, эр ва аёл масаласига алоҳида тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Ватанимизда қисқайиб, Бинобарин, эл-юрт равақига эътиборли эканмиз, десам, оналаримизни мудом ардоқлашимиз, авайлашимиз, улуғлашимиз шарт. Шу ўринда фурсатдан фойдаланиб, эркакларга икки оғиз гап айтишга тўғри келади. Аёл зотини қамситувчи, назар-писанд қилмайдиган эркаклар ҳозир йўқми?! Бу саволга ижобий жавоб айта оламизми?!

Оилада обрў-эътиборли бўлиш, урмай-сўймай аёлнинг ҳурмат-иззатини қозониш осонми? Шундай неъматга эришмоқ учун йиллар, балки бутун умр керак бўлар. Абдураззоқ ота қандай қилиб Холшакар аянинг ҳурмат-эътиборини қозона олди?! Чунки, бу инсон ўзидаги йигитлик шиддати, тасаввур этиб бўлмас буюк бардошини ишга солиб, этиб бўлмас доводдан ошди. Ҳақиқий йигитлик шиддати шу бўлса керак!

Ҳа, чин эътибор ва ҳурматни қозонмоқ учун фақат эркак бўлиш камлик қилади. Фарзандларимизни худди шу нури йўлда эринмай, тинмай тарбияламоғимиз керак. Шундагина оилалар бўлар-бўлмас, иқир-чикирлар туфайли ажралиб кетмайди. Оила бошлиғи саналмиш отанинг обрўси ҳам тутдек тўкилиб, оёқсиз бўлмайди. Энг муҳими, ана шундай тарбияли, ориятли йигитлар азиз ва муқаддас Ватанимизни, оиласини жондек асрайдилар.

Асад АСИЛ,
ёзувчи



ОИЛА БИЛАН КУТУБХОНАГА

Китоб — илм-маърифат эшигидир. Остонадан ўтар экансиз, турфа ҳикматларга, ноёб хазиналарга дуч келаверасиз. Китоб ўқиган одамнинг йўриғи ҳам, гап-сўзи ҳам ўзгача бўлади.

Китобхонлик

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини қошида ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар очилиши барча ёшдаги аҳоли учун айнаи муқддо бўлди. Хусусан, Янгийўл тумани, Ниёзбоши ҳудудидаги "Намуна" маҳалласида очилган янги кутубхона зиёлилар сафини кенгайтиришга хизмат қилиши аниқ.

Ҳавас қилгулик кутубхона маҳалланинг қоқ марказида жойлашган, янги бино, замонавий жиҳозлар, янги ва эски китоблар... Очиғи, яхши китобнинг эскиси бўлмайди. У қўлдан-қўлга ўтиб, зиё тарқатаверади. Бу кутубхонада ҳам барча ёшдаги аҳоли учун қизиқарли китоблар жамланган.

— Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, — дейди 93 ёшли Камол ота Рихсибоев. — Шу ёшимда ҳам китоб

ўқишни қанда қилмайман. Эвараларимни етаклаб, кутубхонага тез-тез келиб турман. Мана, бугун ҳам эварам Исмоил билан ўқиш учун яхши бир китоб олдик. — Маҳалламизда 4 минг 800 киши истиқомат қилади, — дейди оқсоқол Маҳмуд Жомирзаев. — Президентимизнинг ташаббуслари билан китобхонлик маданиятини оширишга эътибор қўйилди. Кутубхона очилганидан буён маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит яхши томонга ўзгарди. Ҳар бир хонадонга китоб кириб борди, десам, янглишмайман. Шунингдек, кутубхонага келганлар янги газеталар билан танишишди, мамлакатимиз ва дунё янгиликларидан хабардор бўлишди.

К. САЛОМОВА
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат



ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 10 ноябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секинлашувчи бўлмайди.

кундаги 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 13-15 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илқ, кундузи 4-9 даража илқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. 11 031 нусхалда чоп этилди	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шарҳнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс) 71 233-70-10 71 233-55-38 71 233-38-23, 71 233-48-08 71 233-65-59 71 233-54-10	Телефонлар: Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақам билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририятини компьютер марказида терилди ва сақланди.	Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввиф Аллома АЗИЗОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲҶАЕВ
---	--	--	---	---	---

Манзили: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-2689. Баҳоши қилинган нархда Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қороз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.20.